

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 70 (3808).

Чоршанба, 10 апрель 1968 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1968 йил 9 апрелда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми очилди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Халқаро аҳволнинг энг муҳим проблемалари ҳақида ва КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракати жисмлиги учун кураши тўғрисида»ги докладини тинглади.

Доклад юзасидан мунозараларда КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

П. Е. Шелест, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. П. Шитиков, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари В. С. Толстиков, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми ўз ишлари давом эттирмоқда.

БАТАНГА СОДИҚ ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯЛАЙЛИК

Қаҳрамон совет ҳалқи ўзи-экономикани, маданият, фанини ярим асрлик шонли йўли мобайнида кўп синнолардан ўтди, революция галабаларини, она-Ватанимизни сақлаб қолиш учун бир неча бор қўлга қўрол олди. Ҳар сафар ҳам биз ашма билан бўлган курашлардан мустахкамлашиб ва ғаниқиб чиқдик.

Совет Иттифоқи эндиликда жаҳонда нутқисиди жиҳатдан энг илгор ва енгилмас мудофаа қудратига эга бўлган мамлакатга айланиб қолди.

Биз бундан бун ҳам ҳақиқат мудофаа кучимизга катта эътибор беришимиз, ҳалқини, ёшларимизни Ватан ҳимоясига доимо тайёрлашимиз зарур. Мурракб халқлар вази, ҳалқ ва давлат манфаатлари билан шун талаб қилиди. Ўзининг жаҳон уруши тавом бўлганда сўнг биринчи йил йўқини, тўлар овози ошганда бузгани.

АҚШ империалистлари ва уларнинг иттифоқчилари айби билан планетамизнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчада уруш оловини чўчи, қон тўқилмоқда, ҳарбий хавфнинг янги-янги ўқоқлари пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда ҳам Вьетнамдаги уруш алаҳаси сусайилган, Яқин Шарқдаги ахвол ҳамон ташвишли бўлиб қолмоқда, ГАРБИЙ Германия реваншистлари тобора оқсизлик қилмоқдалар.

«Бизнинг партиямиз империализмнинг агрессия табиатини яхши билганлиги учун, — деган эди Л. И. Брежнев 1967 йил 3 ноябрда Кремлдаги тантанали мажлисида, — Совет Иттифоқининг тинчлик сийсати унинг енгилмас мудофаа қуввати билан мустахкамлашнинг зарур деб ҳисоблайди. Бунинг совет ҳалқининг манфаатлари, умумий тинчликни таъминлаш манфаатлари талаб этиди. Шу сабабли шонли Қуролли Кучларимизни мустахкамлаш, Марказий Комитетининг, Совет ҳукумати, бутун халқнинг доимий вазифаларидан биридир.

Бизнинг дахшадли ракета-диро қудратимиз, Баташа, коммунизм шига чечен сарфатли солдат ва офицерларимиз бўлмаганда эди, империализмлар алаҳаси дунёни янги жаҳон уруши гирдобига тортиб, социализм мамлакатларига ўзларининг ваҳшине «шартларини» ўтказган бўлардилар.

Мана шунинг учун ҳам тинч курилиш билан шуғулланиб,

соратни пропаганда қилишнинг формалари жуда кўп. Меҳнаткашларни, айниқса ёшларни оталар, жасоратининг меросхўрлари қилиб тарбиялашда ёзувчиларимиз, расмозимиз, киноизитор, театр ва кино ҳодимларимиз катта ҳисса қўйишлари мумкин. Адабиёт ва санъат асарлари янги кишини шакллантиришга, ёшларни граждандлик бурчини чуқур ҳис этишга ёрдам қилиши.

Равшани, бўлажак жангчи — СССР Қуролли Кучларининг солдати соғлом, жисмоний жиҳатдан бақувват, җаниққан бўлиши керак. Бинобарин, ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда ёшлар ўртасида «Ватан ҳимоясига тайёрлан» мудофаа-спорт комплексини пропаганда қилишга катта эътибор бериш лозим. Бу жиҳатдан Тошкентдаги «Узбекистон» Чирчиқ химия комбинати ва бошқа шунга ўхшаш қатор корхоналарнинг ёшлар ташкилотлари ишлари ўрнатилган.

Социалистик Ватанин химоя қилиш ҳар бир совет кишининг олий ва муқаддас бурчидир.

Меҳнаткашларни ва айниқса ёшларни мардлик ва фидокорлик руҳида, жоножон Ватан олдидаги шарафли бурчини сарфат билан ўтатиш руҳида тарбиялаш. Оталар жасоратига содиқ фарзандлар ўстирайлик!

Меҳнаткашлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини олиб бориш умумдавлат, умумхалқ вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани бажаришда партия, совет, комсомол, ҳарбий, оммавий-мудофаа ва бошқа ташкилотлар катта роль ўйнашлари лозим.

Умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги янги Қонуни ҳақиқий хизмат мўддатларини қисқартириб, чақирилувчилар учун бошланғич ҳарбий тайёргарлик юзасидан олиб бориладиган ишларни янада яхшилаш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни таъминлаштириш кўзда тутилган.

Янги қонун бўйича мактабларда, махсус ўрта ва профессионал-техника билим юрларида штатли ҳарбий раҳбарлар жорий қилиниши керак. Бирок, чақирилувчи бўлган тайёргарликни яхшилашга қаратилган бу тадбирларнинг ҳаммаси дуруст натижа берсин учун комсомол ташкилотлари томонидан актив ёрдам кўрсатилиши лозим.

Кейинги вақтларда областимизнинг бир неча мактабларида пионер қўбуллари ташкил қилиниб, уларда ҳарбий билимлар, пропаганда қилина бошланди.

Халқимизнинг, унинг Қуролли Кучларининг қаҳрамонона традицияларини, совет кишининг Ватан учун бўлган жангларда кўрсатган мардлик ва жа-



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА «СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» ГАЗЕТАСИДА БОСИЛГАН «КЕНГ ҚАТОРЛАБ ПАХТА ЕТИШТИРИШ УСУЛИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ТЎҒРИСИДА

«Сельская жизнь» газетаси ўзг. янги босқични бошлаб берди.

Яқин йилларда республикада каттагина майдонларга, кенг қаторлаб чигит экишга ўтилиши мумкин бўлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ва район партия комитетларида, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотларида пахтакорлар ўртасида «Малик» совхозининг тажрибасини кенг ўрганиш, тажриба совет пахтачилигини ривожлантиришда, ишлаб чиқаришнинг прогрессивроқ технологиясига, кенг қаторлаб оладиган энг ян-

ЮҚОРИ ҲОСИЛНИ КУЗЛАБ

Ўтган йили Ўрта Чирчиқ районидagi Энгелс номидаги колхоз деҳқонлари баракали меҳнат қилиб, 1350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан хирмон кўтарган эдилар.

Улар бу йил ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар. Экин майдонлари анча кенгайтирилди. Гектар бошига олиннадиган ҳосилини 30 центнерданга етказиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинди. Ўрта яқин эвенода эса 35 — 40 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан иш олиб боришди.

Аҳдига вафо қилган деҳқонлар байрат кўрсатиб ишлашадиги. Техника ремонтти барвақт тугалланди. Ўзгача илди-ларни қўлиб олиш, ариқ четларини тозалаш, ариқ чопиш ишлари ҳам исқа вақтда тўла бажариб қўйилди. Меҳнаткор кадрлар практик машғулотлар ўтказди-лар. Колхозчилар чигит экин-ни бошлаб юбордилар.

Шу қуиларда колхоз дала-ларида 25 та селлака ишляпти. Кўп селлакалар олти қаторли. Бу эса экинни тез ўтказиш им-конини бермоқда.

Раҳматилла Умаров, Ҳамид-жон Эгамбердиев, Яхшилик Нуримов каби меҳнаткор-эвено бошчилари бошчилик қилган эвеноларда иш сифатли. Улар кунда 8—9 гектарга етказиб чигит экин-ти.

туталанди. Ўзгача илди-ларни қўлиб олиш, ариқ четларини тозалаш, ариқ чопиш ишлари ҳам исқа вақтда тўла бажариб қўйилди. Меҳнаткор кадрлар практик машғулотлар ўтказди-лар. Колхозчилар чигит экин-ни бошлаб юбордилар.

Шу қуиларда колхоз дала-ларида 25 та селлака ишляпти. Кўп селлакалар олти қаторли. Бу эса экинни тез ўтказиш им-конини бермоқда.

Раҳматилла Умаров, Ҳамид-жон Эгамбердиев, Яхшилик Нуримов каби меҳнаткор-эвено бошчилари бошчилик қилган эвеноларда иш сифатли. Улар кунда 8—9 гектарга етказиб чигит экин-ти.

лар. Уруғ ташлаш билан бир вақтда туяроққа минерал ўғит ҳам солинапти.

— Хўжалигимизда, — дейди колхоз раиси Пулат Ҳақимов, — кейинги қуиларда экин қиз-гини тус олди. Ҳар бир участка ва эвенода конкрет план тузи-либ чиқилди. Меҳнаткорлар Ҳар бир соатдан унумли фой-даланиб, уруғини тезроқ ерга ташлашга ва туяроқнинг ўз на-мида чигитни ундириб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Яхши те-кисланиб, озиқлантирилган ер-ларга барак ва туяроқ тўшапти. Чигит суви бермасдан яшыл квадратлар ҳосил қилинади.

С. СУЛТОНОВ.

ИШ ҚИЗГИН

Ўқдўғрон районидagi Куйби-шев номидаги колхозда чигит экин кун сайин кучаймоқда. Илгор пахтакорлар бу ишни тез ва сифатли ўтказиш учун барча агротехника тадбирлари-ни амалга оширмоқдалар. Ку-зда шуддорланган, эрта қўк-ламда сифатли текисланиб қўйилган ерларга чигит таш-ламоқда.

Колхознинг А. Дадабоев бошчи ва бошқа участкалари-да кунда 20 гектардан оши-рилди эрга чигит экинлапти. Тракторчи С. Миракаримов, селлакачи Э. Вайтравен, ўртоқ-лар агрегатларини аниқ иш-лашини таъминлашди. Чи-гит билан бир вақтда ер озиқ-лантириляпти.

Колхоз меҳнаткорлари и экинни узог билан бир ҳаф-тада тамомлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Д. ХУСАНОВ.

ЧУҚУР МИН-НАТДОРЧИЛИК

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиу-ми ва СССР Министрлар Совети қосмоси жаҳонда биринчи бўлиб заф. отан СССРнинг машҳур қосмонавт-учувчиси, СССР Олий Совети депутаты, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Ю. А. Гагарин би-лан авиация қисмининг коман-дири, Совет Иттифоқи Қаҳра-мони инженер-полковник В. С. Серегин самолётда машқ қилиб, учиб, вақтдаги фалокат нати-жасида фокнали ҳалок бўлган, тикларни мусоабети билан ўз таъзияномаларини йўллаган барча партия, совет ва жамоат ташкилотларига, Совет Итти-фоқи корхоналари, колхозлари, совхозлари ва муассасалари-нинг коллективларига, айонини граждандарига, шунингдек қад-рош маржис-ленинчи партия-ларнинг марказий комитетлари-га, социалистик давлатлар ва бошқа дўст мамлакатлар ҳуку-матлари, чет мамлакатлар давлат ва ҳарбий арбобларига, дипломатик вакилларига, жа-моат ташкилотларига ва айрим граждандарига самимий ташак-кур ва чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ
СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

МЕХНАТ БАХТ КЕЛТИРДИ ЛАВҲА

Тонг нуллари бутун Оҳангарон водийсини тўлдирди. Чўққилар бу ердан кўзни қамаштиргудай яр-қираб туради. Асрий тоғлар ба-ғрида илик баҳор нафис кезади, еллар кўн-кўк арчеларини охи-ста сиплаб ўтади. Олиқ-олиқларда ир-моқларнинг майин жипдираши қулоққа чалинади.

Эркин дастлаб ишга келганда табият сехридан бундай завқлан-ганча бор. Бу ерда осмонлар трубалар гўё чўққилар билан бўй ўлчашиди. Улар остиди нақ 100 метрча келадиган баҳайбат печ-лар бир маромда охи-ста айлан-ди.

Хомашё цехи шу трубаларнинг ёнгинасида. Эркин иккинчи қават деразаси ёнида зангори осмон-нинг феруздедек тиниқ товланиши-га тикилиб туради. Леблариди сезиларсезилмас табассум. У ҳо-зи-р нимани ўйлаётганини-а! Сез-гиларига роҳат бераётган бу гў-заллик жуда жуда юксакда эди.

Ичкаридан Римма югуриб чиқиб, енгилдан тортди, чўчи-тиб юбора-эди.

— Эркин! Насос тортмай қол-ди, нима қиламан? Булақол тез!

У ичкарига отилди. Шошилин-нинг боиси бор: насоснинг бир

зум тўхтаб қолиши бутун ишни пачава қилиши мумкин. Бошқа цехларнинг ҳам тўхтаб қолиши-дан ёмони йўқ-да. Цех экинни оғанди боғини гувилаб турган дастгоҳлар шовқини пасайган, атрофини халқа-халқа тутун босиб-ди. Димоққа куйган латалнинг аниқсиқ хиди урилди. Ҳайида фикр «алт» чакнади: мойланган арқон айнаётган бўлса керак. У насос валяга ўралган бўлади.

Сув билан вақт-вақтида сову-тиб турилмаса ёниб кетиши тур-ган гап. Шошилин суратда ар-қонни олиб ташлашдан бошқа чо-ра қолмади. Римма юрагини ҳо-вчлаб турар, кўзлари жовдираб термуларди.

Эркин уни слесарь Геннадий Нестеровга юборди. Сап ўтмай, кўплашиб бошқа арқон қўйишди. Бутун цех қолаверса корхона-нинг тўхтаб қолишига йўл қўйил-мади.

Кўз-қулук бўлиб турмабсан-ди, — деб қойиди Эркин Римма-ни. Қиз дастгоҳлар яна гувилаб кетганга секинлар, Эркиннинг даштномидан эса қизариб ерга қарар эди...

Агрегатлар бир маромда му-сиқий овоз таратади. Нишолдаги

ўхшаш суюқлик — шлам, рўпара-даги бассейнга насос ердамида узатилмоқда. У ердан пемга бе-рилади... цемент шў залда қиём-га етади.

Шу пайт хонига коркосома қи-ган ўрта бўйли киши кулисираб қириб келди. Эркин чех бошқиси Борис Шмаковни кўради, чехра-си ёришиб кетди. Борис Влади-мирович кўпларини орқасига яши-риб:

— Нима иш қилганингизни била-сизми? — деди ҳазил оҳангиди.

— Йўғ, нима гап? — деди Эркин. Цех бошқиси концертни узатди-да:

— Дадангиздан, — деди кулиб. Бунинг ўзига яраш тарихи бор. Бу бултурги гап эди.

...Эркин экинни жаҳл билан ёп-ган эди, яна очилиб кетди. «Ни-малар дедим-а!» — у иккала уф-дин юзига босди. Ичкари нафдан дадасини:

— Шунанга: ўстирайлик, — ун-дирайлик. Бағримизда қол десақ балага қолайлик, — деганини эшитди.

Дадеси Толиб ака «Ташавто-маш» заводиди ишларди. Эндиги-

на ўқини, тугатган ўғлим Тош-кентдан узоқ Оҳангаронга бориб қачилиб қолмасайди, деган хаво-тирда эди. Мана, бир оғиз ан-тиб кўрувдики, ўғли туюқиб кет-ди... Дадасидан келган хат савин-тириб юборди уни! Илчи, эрқала-туви сўзлар... Хат охирида кели-ни Мухаббатнинг ҳам соғлимини сўрабди. Эркиннинг боши осмон-га етди, кўзларида қувонч ўти чакнади.

— Ҳозир, тушда кичкина йи-глиш ўтказас, — деди цех бош-қиси бўлиб.

— Нима ҳақда, Борис Владими-рович?

— Ҳар доим планни ошириб бажарилмас, яхши. Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш-га яраша иш қиласиз. Энди, гап бундай: цех ўзингизга маълум, ой сайин кўпроқ маҳсулот беришти. Йил охиригача шундай ишлаб бо-ришмасиз керак. Тўрт смена ҳам ўз иммасига янги мажбурият ол-са...

— Айни мудоае, Борис Влади-мирович! Бу ҳақдаги қароримиз сизга маъқул тушадими? Ҳар кварталда пландан ортиқ минг

тонна хомашё тайёрлашга аҳд қилганимиз қанай?

Цех бошқиси Эркинни кўчди. У эш мастер билан фарвланди. Тўшқи йиғилишда Эркин Толпнов сменаси Михаил Валушкин сме-насини беллашшига чаклиди.


Қунар бир-бирини қуяган қуш-лардай ўтиб боради. Тасавури-нигизда дақиқалар, соатлар қадри-ни сезмагандай бўласиз. Ногоҳон, ҳоҳингизда шундай палла кела-дики, дақиқалар беиз кетмаганин-гини кўрасиз. Эркин ўз сменаси аъзолари илк қаватла мажбурия-тини ошириб бажарганда шундай қувонди. Гўё сменадиги 13 киши-нинг ҳаммаси бир оила аъзолари-дай эди унга. Шундай меҳрибон, дилқам одамлар.

Биласизки, одам ёшлигиди олис юлдузларга талпиниб, гўё бахти-ни излайди. Эркин ҳам бахтини олиқ-олислардан изларди. Мана, у ўз бахтини гўёдан Оҳангарон во-дийсидан топди.

...Тоғдан муздек оромбахш ба-ҳор ҳавоси елади. Кўйининг сўнг-ги нуллари юксак тоғлар учини лопларин қилган. Смена аъзолари уйларига шодон йўл олишди. Римма, Света, Нўмзон... Ҳаммаси чакнақилиб идора олдидики хё-бондан ўтиб боришди, завод ди-ректори Тоҳир ака Шарипов улар-ни тўхтатиб зимпел Эркин Толп-нов сменасига берилганини айт-ди, ҳаммаси табриклиди.

Ёшлар бу хўшхабардан беҳад қувониб кетишди. Улар кўн-кўк майсалар узра илдам боришаркан, қушлар ҳам чарх уриб уларни қўтлар, ботаётган қуёш гўё нулли қўлларини узатиб муборакбод қи-ларди. Бутун водий сирли, ёркин нурга чулганган эди...

Х. ИКРОМОВ.



ЧИРЧИК трансформатор за-водининг ишлаб чиқариш қуввати беш йилликнинг охиригача бориб икки бараварга ўсди. Яқинда кор-хонада янги йирини корпусларнинг биринчи навбатини ишга тутиди. Су-ғатда: қурилаётган ишлаб чиқа-риш корпуслари.





И. Глазберзон ва В. Сироткин фотолари.

Кенгашда Тошкент область
партия комитетининг биринчи
секретари ўртоқ М. А. Абду-
раззоқов қатнашди.

ИЛГОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

КЕНГ ҚАТОРЛАБ ПАХТА

ЕТИШТИРИШ УСУЛИ



«Малик» совхози мана, ўн йилдирки кенг қаторлаб пахта етиштиришнинг янги усулини муваффақиятли қўлланиб келмоқда. Янги усул оз меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда пахтадан энг кўп ҳосил олиш имкониятини бермоқда.

КАТОР орасининг кенглиги 60 сантиметрли схема билан чигитни квадрат-уялаб жойлаштириш асосида агротехникага қатъий риоя қилган ҳолда пахта етиштиришнинг амалдаги усули яхши натижалар бермоқда ва бу усул ишлаб чиқаришда яна кўп йиллар қўлланилади. Бироқ, ҳозирги замида пахта етиштиришнинг янги усулини кенг синиб кўриш зарурати туғилмоқда, бу сўғориладиган йиллик карталарда ишлаб чиқаришни кенг қаторлаб ва кенг жойини қамрай оладиган техникадан фойдаланган ҳолда йўлга қўйиш имконини беради.

Кенг қаторли схема ана шу талабларга жавоб беради. Бу схема майдонни кенг, бироқ, ишчи кучи кам бўлган ва шу сабабли меҳнат сарфини камайтириш энг зарур вазифа ҳисобланган ерларда кўпчилик томонидан маъқулланмаггани бежиз эмас. Бу йил Сирдарё областида пахта майдонининг ярмига, шу жумладан Мирзачўлдаги совхозларда барча майдонга чигит кенг қаторлаб экилади.

Айрим ҳодимлар чигит кенг қаторлаб экиганда тўра кучат сони, бинобарин ҳосил миқдори камайиши мумкин деб хавфсизланмайдилар. Дастлабки вақтда биз ҳам худди шу замида шубҳаланган эдик. Бироқ, кўп йиллик тажриба янги технология пахта етиштиришга қилинган меҳнат ва маблағ сарфини қисқартирган ҳолда, ҳосилдорлигини ошириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилганлигини исботлади.

Биз ўзани кенг қаторлаб ўстиришни ўн йилдан буён текшириб кўрмоқдамиз. Шу мўддат ичида қатор орасининг кенглиги 100, 80 ва 90 сантиметрли схемаларни қатор орасининг кенглиги 60 сантиметрлик оддий схема билан солиштириб, синиб кўрдик. Натижада 90 сантиметрли схемада кучат сонининг зарур даражадаги қилинган таъминлаш ва мўл ҳосил олиш мумкинлиги маълум бўлди.

Масалан, 1965 йили чигит 60 сантиметрли схема билан экилганда ҳар гектар ердаги кучат сони 50,677 та бўлиб, ундан 20,9 центнер ҳосил олинди. Қатор орасининг кенглиги 100 сантиметрли схема билан чигит экилганда ҳар гектар ерда 52,527 та кучат ҳосил қилинди — ва 26,1 центнер ҳосил олинди. Қатор орасининг кенглиги 90 сантиметрли схема билан чигит экилганда эса бир гектар ердаги кучат сони 81,500 тага етди ва ҳосилдорлиги 29,1 центнерни ташкил этди. 1966 йилда ҳам кенг қаторлаб чигит экилган майдонларда оддий усулда чигит экилган майдонларга қараганда кўпроқ кучатга эга бўлиди ва ҳосилдорлиги ҳам шунга яқинлашди. Бултур эса совхозда барча майдонга кенг қаторлаб чигит экилди ва ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 95 минг туп кучат ҳосил қилиниб, ундан 27,3 центнер пахта олинди.

Ҳўжалик учун кенг қаторлаб чигит экиш яна шунинг учун фойдали бўлдики, бу усул ернинг шўрланмиши ва бегона ўтларга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш имконини беради. Ун йил мобайнида совхоз мутахассислари кенг қаторли схема билан пахта етиштириш агротехникасини ишлаб чиқдилар. Бунда тупроқимизнинг ҳусусиятлари, унинг сув-мелиорация режими ва Мирзачўлнинг совхозини ерлари жойлашган Шўрсузак пастлигидаги микроклимат агрофлорича ҳисобга олинди.

Қузда пахта майдонининг ҳаммасини 32-33 сантиметр чуқурликда шўғор қиламиз. Масалан, 1966 йили 700 гектар майдонни икки қатлам қилиб ҳайдадик ва бу бегона ўтларни ўтқ қилишга сарфланган меҳнат ва маблағни исқини камайтириш имконини беради. Ҳайдаш оқидан ҳар гектар ерга 500 килограммдан суперфосфат солинди.

Механизаторларимиз қуздаёқ янги констрүкциядаги «ПР-0,5» маркали пол оладиган машиналар ердакида ернинг шўрини ювиш учун поллар тектирлядилар. Бу тақомиллаштирилган механизм полларнинг уатчини 40-50 сантиметр баланд қилиб қўтарди ва уватларнинг бошини ўзи бирлаштириб кетади. Илгирлари эса уватларнинг боши қўл кучи билан бирлаштирилари ва шу сабабли бригадалар кўп ҳолларда бу ишни кеңиштириб юборардилар. Бу эса шўр ювишнинг сифатига ва бинобарин ҳосилга салбий таъсир қиларди. Баланд уватлар чекларнинг юзасини 20—30 сантиметр қалинликда суғаб бир текис бостириш ва ҳар гектар ерга уч-тўрт минг кубметрга суғаб қўйиб шўр ювиш имконини беради. Уватлар баланд қилиб олиниб бир марта сўғоришнинг ўзи икки марта шўр ювишнинг ўрнини босади.

Баҳорда уватларнинг тупроғи қуриши билан механизаторлар уларни «ПР-0,5» маркали механизаторлар бўльдозерларга ўрнатиб текислядилар. Сўнг ер боронланади.

Бегона ўтлар кўп ўсадиган далаларни бригадалар ўт томирдан тозалашади. Бунинг учун оқидан ер 14-15 сантиметр чуқурликда икки-уч марта чиқеланди, сўнгга боронлар ишга солиниб, бегона ўтларнинг томири тўпланиб, уюб кетилди.

Бригадалар ерни чигит экишга тайёрлаган вақтда ҳар гектар сўғориладиган ердан тўла фойдаланиш учун замин яратишади. Карталар ва айникса уларнинг чети ҳамда бурчаклари яхшилаб текисланади, эгитларни ва карталарнинг этагини текислашда оғир фрейдерлардан фойдаланилади. Капитал текисланган участкаларга минерал ўғитлардан ташқари, ҳар гектар ерга 20 тоннадан гўнг ҳам солинади.

Барча майдонга уларга белгиланган микдорда уруғ ташлаб кетадиган сепкалар билан 90Х20 сантиметрли схема билан кенг қаторлаб чигит экилади. Чигит экишни тупроқнинг 5-10 сантиметр чуқурликдаги қатламда ҳарорат сурункисига уч кун давомида 18 даражадан ошиб турганда қулай мўҳитда бошлаймиз. Бултур совхоз чигит экишни беш иш кунда тўқмоқлади ва ун иш оинининг бошигача тўла ундириб олди. Ҳар бир уяга белгиланган микдорда (3-4 тадан уруғ) ташлаб кетиш яналадиган вақтда кечик ва ишчи кучини бошқа ишларга сарфлаб этиш имконини беради. Бошқа чигит экиш билан бир вақтда ерга минерал ўғитлар ҳам солиб кетилади.

Агар жолга қўйиш натижасида тупроқнинг усти қатламидида каттақоқ ҳосил бўлса механизаторлар биринчи култивация вақтида култиваторларга дискаларини осиб ишлатадилар. Бу, ғўза қатор орасининг юмшатиладиган кенглигини ошириш, бегона ўтларни йўқотиш ва ўсимлик туғи яқиндаги каткалонини юмшатиб кетиш имконини беради. Дискалар беш низоҳларнинг устига тупроқ уюлишига йўл қўймайди ва аниқ вақтда култивацияни юқори тезликда ўтказиш учун имконият яратди. Кенг қаторлаб ғўза ўстириб 60 сантиметрли схема билан ғўза ўстиришдан экин факат бир томонлама, яъни узунасига култивация қилиниши билан фарқ қилади.

Экинни култивация қилиш, сўғориш учун жуяк

лар олиш билан бир вақтда ҳар бир қаторнинг ен томонига минерал ўғитлар ҳам солиб кетилади. Бултур экинни биринчи марта озиклантирган да гектарига 150 килограммдан, шундан кейинги озиклантиришларда 200 килограммдан аммиак солинган.

Ўзани сўғориш учун механизаторлар кенг қаторлар орасида чуқурлиги 25-30 сантиметрдан иборат жуяк олишади. Бу, сўғоришда меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш ва эгитларнинг сув босишини максимал даражада камайтириш имконини беради. Чигит 60 сантиметрли схема билан экилганда, тажрибада қўрилганидек, қаторларнинг 37 процентини сув босар эди. Кенг қаторли схема билан чигит экилганда эса қаторларнинг савкиз-савкиз ярим процентидан ортинини сув босмайди.

Кенг қаторли схемада чуқур култивация қилиш ва жуяк олиш тупроқнинг сув сингдириш қобилиятини анча оширади ва сўғориш сўнги камайтириб, икки-икки ярим мартагача олиб келиш имконини беради. Илгари совхоз қатор орасининг кенглиги 60 сантиметрли схема билан пахта етиштирилганда эса экин ўрта ҳисобда 4 марта сўғориларди.

Механизаторлар сўғориш учун жуяк олганда акучиги бўлган «КРХ-3,6» маркали култиваторлардан фойдаланишади. Айни вақтда экинни тупроқ босишдан сақлаш учун култиваторларга албатта дискалар ўрнатишади.

Биз пахта майдонларининг асосий қисминини сўғориш учун сифон найчалардан фойдаланамиз. Сувиқлар аёвек суви қамаб (секундига 0,8 литр тезлик билан оқадиган қилиб) эгит охирига бортувча қўйишади, эгит эса оқини озатиришади. Сув қўйиладиган эгитнинг ўртача узунлиги 600 метр, каттароқ керталарда эса 800 метргача бўлади.

Бултур айрим бригадаларда сўғоришнинг янги усули қўлланилди — ғўзага «7-28Х3» маркали тракторга осилган «ПШН» маркали насос установаки бўлган эгилувчан шланглар ердакида сув қўйилди. Бу, меҳнат унумдорлигининг юксакроқ бўлишини таъминловчи, сўғоришнинг сифатини яхшиловчи, сувнинг исроф бўлишини камайтирувчи мукаммалроқ усуллар. Биз бу усулни ҳўжалик янги насос установакларини кўпроқ олган сари тобора кенгроқ қўлланаверамиз.

Совхозда мана, уч йилдирки бу механизмлар ердакида чеканга қилинмоқда. Барча майдондаги экин дсфолация қилинган.

Бизда пахта териш машиналари учун қейтиш полскалари тайерлаш проблемаси ҳам янги ҳал қилинган. Маълумки, ана шундай полскалар таёйрлаш учун ғўзани 3-5 проценти кетади. Буни териб олиш ва ғўзапояни четга чиқариб ташлаш учун кўп меҳнат ва маблағ сарфланади. Буни ҳисобга олиб, биз сўғоришда ҳамда ариқларга туташган ва чигит экилган майдонлардан терим машиналари қайтаданги полскалар тайерлаш учун фойдаланамиз. Уни теримга тушиш оқидан текисляймиз, ҳосил йиғим-терими тўғвалангач эса ана илгириги ҳолига келтириб қўямиз.

Бултур қузда совхозда пахта терими тўла механизациялаштирилди. Ҳар туп ғўзадаги қусақларнинг 45-50 проценти очилган теримга тушилди. Пахта териш техникаси гурупа усулида ишлатилди. Бу, машиналарга техника хизмати кўрсатишни яхши ташкил этиш ва ишнинг сифати устидан назоратни кучайтириш имконини беради. Бироқ, терим машиналари гурупа усулида ишлатилганда ҳам ҳар бир меҳаник-ҳайдовчига алоҳида участкалар бириктиб қўйилди ва у ана шу участкада биринчи ҳамда иккинчи теримни ўтказди.

Ҳар бир картадаги теримни териш тартиби қуйидагича белгиланди: аввал пахта «17Х-1,8» маркали терим машинаси билан икки-уч марта териб олинди. Сўнг «ПХ-1,8» маркали механик подборшчик ишга солинди ва ерга ўтилган пахта териб олинган пахта иккинчи подборшчик билан янаб берадиган даражада бўлди. Шундан кейин пакекларга қусақ терим машиналари, уларнинг кетидан яна подборшчиклар киритилди. Бу технологияда машиналарнинг юқоридаги комплекс ҳосилнинг 99,5 процентини териб олди, чанокларда жуда оз микдорда пахта қолди ва уни қўлда териб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб топилди.

Кенг қаторли схемага ўтгач, биз пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни (сўғоришдан ташқари) механизациялаштириб, ғўзани яғналалаш, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, чеканка қилиш ва айникса ҳосил йиғим-теримда кўп меҳнати сарфлашдан воз кечишга муваффақ бўлдик.

Биз дастлаб кенг қаторларда пахта етиштирганимизда 68 сантиметрли қатор оралирида ишлатишга мўлжалланган, лекин янги схемага мослаштирилган илгирги техникага таяидик. Эндиликда заводида таёйрланган ва двигателларини қуваати 40 от кучига эга бўлган «7-28Х3» маркали тракторга осиб ишлатилладиган насос кенг қаторли техника олмоқдамиз. Бу тракторга ҳам чигитни кенг қаторлаб экидиган сепка, ҳам култиватор, ҳам пахта териш комбайни, ҳам подборшчик осиб ишлатилаверади.

Кенг қаторли схемада ишларнинг ҳажми сезиларли даражада камайдди, агрегатларнинг ҳаракат тезлиги ошади ва қуваат бирлиги ҳисобига бажариладиган ишнинг ҳажми кўпаяди. Чигит 60 сантиметрли схема билан экилганда бир гектар ердаги қаторларнинг умумий узунлиги 16,667 метр бўлса, 90 сантиметрли схема билан экилганда 11,111 метрни ташкил этди. Шундай қилиб, агрегатларнинг юриш масофаси ундан бир баравар камайдди. Ҳатто ҳаракат тезлиги бир хил бўлганда ҳам кенг қаторларда ишлайдиган машиналарнинг унумдорлиги йўлнинг қисқариши ҳисобига ошади. Бундан ташқари, кенг қаторли техниканинг иш тезлиги умуман кўпаяди. Масалан, чигит экишда у соатига 10 километрге етсади, яъни 60 сантиметрли схема билан чигит экишдаги нисбатан икки баравар ошади. Култивация қилганда ва сўғориш учун жуяк олганда янги агрегатларнинг иш тезлиги тор қаторларда ишлайдиган агрегатларнинг тезлигига нисбатан ўрта ҳисобда 15 процент зиёд бўлади.

Бултур совхозда битта кенг қаторли терим машинаси билан 100 тоннадан ортиқ — 60 сантиметрли қатор оралиридаги пахтани теришга мўлжалланган ҳар бир терим машинаси билан республикамизда терилган пахтанинг ўртача микдорига нисбатан деярли икки баравар кўп пахта терилди. Тожибой Ҳўжакулов, Иброҳим Меҳтиев, Николай Комаров каби механизаторларимиз эса масудма ош агрегатлари бунеридан 200-250 тоннадан «ок олтин» тўкишди. Совхозиники бригадир Ленин мукофотининг лауреати Жавад Кучиев эса умуман масудма 350 тонна, кунларнинг бирида эса олти қаторли агрегат билан 45

тонна, яъни 800 теримчи қўл билан қанча терса, худди шунча пахта терди.

Бултур совхозда машиналар билан 5,843 тонна пахта еки ҳосилнинг 95,5 проценти, подборшчиклар билан 247 тонна еки ҳосилнинг 4,1 проценти, қусақ териш машиналари билан 22 тонна еки ҳосилнинг 0,4 проценти йиғиб олинди. Барча ҳосил принцили тележикаларда ташилди. Ҳамма бўлимлар ва бригадаларда теримнинг даъа — комбайн қабул пунктдан иборат поток технологиясига қатъий риоя қилинди.

Совхозимизнинг кўп йиллик тажрибаси кенг қаторли схема ва кенг қаторли техниканинг иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини тўла тасдиқлади. Масалан, 1966 йили қатор орасининг кенглиги 60 сантиметрли схема билан пахта етиштирилган майдонларда бир центнер маҳсулот олиш учун 3,67 киши-кун, қатор орасининг кенглиги 90 сантиметрли схема билан пахта етиштирилган майдонларда эса 2,14 киши-кун сарфланди. Бир центнер пахтанинг таннархи қатор орасининг кенглиги 60 сантиметрли майдонларда 18 сўм 47 тийини, қатор орасининг кенглиги 90 сантиметрли майдонларда эса 16 сўм 46 тийини ташкил этди. 1967 йили кенг қаторли схемада бир центнер пахта етиштиришга 1,3 киши-кун сарфланди ва унинг таннархи 16 сўм 20 тийинга түғри келди.

Кейинги тўрт йилда кенг қаторли схема билан пахта етиштирилганда ҳар бир агрегатнинг чигит экиш ва ғўзани парвариш қилиш даврида бажарган иш микдори 2,3 баравар, ҳосил теримиде эса 80 процент ошди. Бундан ташқари, бир центнер пахта етиштиришга қилинган меҳнат сарфи 2,5 баравар камайиб, маҳсулот бирлигининг таннархи 22 процент эронлашди. Агар бундан тўрт йил илгари совхознинг пахтачиликда бонд бўлган ҳар бир ходими ҳисобига ўртача 3,5 гектардан пахта майдонини тўғри келган бўлса, ҳозир бу микдор 7 гектарга етди.

Янги технологияни жорий этиш меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тулашни тақомиллаштиришнинг тараб эди. Агар илгирлари бригада учун экин майдонини таъминлаш, яъни асосан ишчи кучи ҳисобга олинган ҳолда белгиланб келинган бўлса, эндиликда қатъий принцип қабул қилинган. Барча ҳисоб-китоблар машиналарнинг битта йилгинди-си (комплекс)га қараб белгиланади. Биз ҳар бир чопиқ трактори учун 70-80 гектар майдондаги иш ҳажмининг асос қилиб олдик. Машина ва механизмларни икки смнада тўла қуваат билан ишлатишни таъминлаш мақсадида ҳар бир бригадда ўрта ҳисобда кенг профилли уч тракторни, икки-уч принципи ва уч-тўрт суви бор.

Барча экин ва терим техникаси бригадаларга бириктиб қўйилган. Бўлимнинг қатта механизми икки-учида эса умум фойдаланадиган техника-ҳайдов тракторлари, ер текислядиган, пол оладиган машиналар, автозаправшчик ва кўча ремонт установаки бўлади. Бўлим раҳбарлари бригадаларнинг бюрмасига биноан далага уруғли, ўғитлар, енгил ва ҳоказоларнинг марказлаштирилган ҳолда етказиб берилишини таъминлядилар.

Ҳар бир бригадда тажрибали механизатор раҳбарлик қилади. Одатда ишлаб чиқаришнинг бутун жараёнини яхши биладиган ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган киши бригадир қилиб тайинланади. У ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этиб, бригаданинг бошқа аъзоларига намуна кўрсатиш керак. Бригада раҳбари бригада аъзоларининг ўртача иш ҳажми қўшимча равишда 20 процент ҳақ олади.

Бизда меҳнат шу замида ташкил этилганлиги туфайли ҳар бир бригада, бригада ичиде эса ҳар бир ишчи ҳисобда бўлади. Бу, одамларда ўз меҳнатлари натижаси учун шахсия жаобгарлик ҳиссини оширади. Ҳақ тулашнинг рағбатлантириш формаси эса уларнинг ишлаб чиқариш муваффақиятидан манфаатдорлигини янада кучайтиради. Технология картасига биноан ҳар бир бригада учун умумий иш ҳақи фонди, меҳнат, маблағ, материаллар сарфининг микдори, натурдаги ялпи ҳосил ва топшириш баҳоси бўйича маҳсулотнинг қиймати ва ҳоказолар белгиланади. Йил бошида бригаданинг ҳар бир аъзосига малакеси ва маҳоратига қараб бериладиган айлиқ аванс микдори белгиланади. Аванснинг микдорини бригада коллективининг ўзи тасдиқлайди. Масалан, бригадир учун айлиқ аванс микдори 120-140 сўм, тракторчилар учун 110-120 сўмдан, сувиқлар учун 90-100 сўмдан, принциплар учун 70-80 сўмдан қилиб белгиланади. Умуман аванснинг йиллик сўммаси бригада бўйича плаллаштирилган иш ҳақи фондининг 70 процентидан ошмайди. Йил охирида олинган маҳсулотнинг микдори ва сифатига қараб узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади. Маҳсулот учун бериладиган қўшимча ҳақ бригада аъзоларининг йил давомида олган ҳақиқий меҳосига мутаносиб микдорда тақсимланади.

Совхоз мутахассислари бу системага қўшимча равишда пахта терими даврида мукофот бериш шартларини ишлаб чиқдилар. Мукофот факат механик-ҳайдовчиларгагина эмас, балки бригаданинг терим жараёни билан боғлиқ бўлган бошқа аъзоларига ҳам берилади. Энг қулай мўддатларда териб олинган пахтанинг микдори ва унинг сорти рағбатлантириш мақсадида туланидиган ҳаққа асос қилиб олинади.

Ҳақ тулашнинг совхозда қабул қилинган системаси ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги кучайишига ердاملашмоқда.

Янги технологиянинг жорий этилиши факат пахтачиликкагина эмас, балки ҳўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам юксалишига самарали таъсир кўрсатади.

Умуман совхоз бўйича бултур 595 минг сўм, яъни пландагидан 226 минг сўм кўп фойда олинди.

Ҳозир совхозда қўлдан дала ишлари кенг қизитиб юборилди. Ҳўжалик коллектив беш йиллик планини муваффақиятли бажариш учун умумҳалқ мусобақасига қўшилиб, бу йил ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий курсаткичларини янада юксак босқичга кўтариш, пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ялпи маҳсулотини қўлайитириш мажбуриятини олди. Янги технологияни янада тақомиллаштириш совхоз коллективига бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда ердм беради.

Сирдарё области.

Матбуот учун илгор тажриба минбарини «Малик» совхозининг директори М. КРАСИЛЬНИКОВ ва «Сельская жизнь» мухбири А. УЗЕЛЕВСКИЙ тайерлядилар.

«Сельская жизнь» газетаси, 6 апрель.

Суратларда (юқоридан пастга): ерга бир йўла минерал ўғитлар ва гербицидлар солган ҳолда кенг қаторлаб чигит экиляпти; «КРХ-3,6» маркали кенг қаторли агрегат билан ғўза култивация қилинляпти; ғўзани сўғориш учун жуяк олиш моқда; култивация билан бир вақтда ғўза чеканка қилинляпти; «17 ХВ-1,8» маркали кенг қаторли комбайн билан пахта терилляпти; ерга тўқилган пахта «ПХН-1,8» маркали кенг қаторли подборшчик билан териб олинмоқда; «СК-2,0» маркали қусақ териш машинаси билан ярим очилган қусақлар териб олинляпти.

